«Ўзбекистон — Ватаним маним»

# ҚАЛБИМДАГИ ГУЛИМСАН, ОНА ЮРТИМ!

***Қўшиқ...***

***Шу ягона сўзни эшитишингиз билан қалбингиз ором туймайдими? Ўзингиз севган хонанданинг қўшиқларини эшитиш орзуси бирдан дилингизга ўт солмайдими? Ажиб оҳанглар. Ширин туйғулар қанотида хаёлингиз олис-олисларга парвоз этмайдими? Худди шундай бўлади, албатта...***

Қадимдан одамлар оғир меҳнатдан кейин ором истаганлар. Юрак титроғини, вужуд чарчоғини ёзиш учун тадбир излаганлар. Шу тариқа қўшиқ яралган, қўшиқ дунёга келган. Неча-неча асрлар ўтди. Лекин ҳали ҳам қўшиқ инсонга яхши-ёмон кунида, шодлигу қайғусида ёнма-ён ҳамроҳ. Қўшиқни испаниялик ажойиб ижодкорлардан бири «азиз дўстим» деб атаган экан. Чиндан ҳам қўшиқ тинчлик-тотувлик уруғларини сепади, меҳнатга, ижодга руҳлантиради, таскин беради.

Қўшиқ ҳақида бир ривоят юради. Ёнма-ён яшайдиган икки қабила доимо бир-бири билан уришар экан. Саноқли кунларгина тинчлик, хотиржамлик билан ўтар экан. Бир-бирига интизор севишганлар шу икки қабиланинг фарзандлари экан. Охири қизғин жанг бораётган бир паллада йигит қўлига соз олибди. Аллоҳга илтижо билан жанг майдонига кириб қўшиқ куйлаб юборибди. У юраги тошиб ишқ-муҳаббат ҳақида, инсон қадри ҳақида, тинчлик-тотувлик ҳақида эҳтирос билан куйлабди. Ёниб куйлабди. Икки қабила жангчилари қиличларини йигитнинг оёғи остига ташлабдилар. Қабила бошлиғи шундай дебди: «Эй йигит, бизнинг энди кўзимиз очилди. Кўзимиз қиличга, қулоғимиз қилич жарангига ўрганиб қолган экан. Ниятингга иншооллоҳ етказамиз. Лекин сен ҳар саҳар қўшиқ айтасан. Дўстлик, тинчлик, муҳаббат ҳақида куйлайсан».

Шундан бери икки қабиланинг тонги қўшиқ билан бошланар экан. Бора-бора йигитнинг издошлари кўпайиб, қабилалар қўшиқчилар қабиласи деган ном олибди...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг Ўзбекистон Мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон - Ватаним маним» мавзуида қўшиқлар кўрик танловини ўтказиш тўғрисида 1995 йил 5 декабрда қабул қилинган қарори таъбир жоиз бўлса, юртимиздаги ёшу қарининг қалбидаги булоқларни жўштириб юборди. Айтиш мумкинки «етти ёшдан етмиш ёшгача» — боғча тарбияланувчиларидан тортиб атоқли хонандаларгача ушбу кўрик-танловда иштирок этди. Янги-янги овозлар кашф этилди. Энг муҳими маънавиятимиз, маданиятимиз нақадар бой, нақадар бетакрор эканлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Маълумки, Низомга кўра кўрик-танлов икки босқичда — дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича, сўнгра ғолиблар баҳси иккинчи якуний босқичда ўтказилади. Биринчи босқич муваффақият билан якунланди.

Пойтахтимиз туманларида ушбу кўрик-танлов юқори савияда ўтказилгандан «Оқшом» муштарийларининг хабарлари бор, албатта.

Туман кўрик-танлов ғолиблари, шунингдек профессионал ижрочилар куни кеча «Баҳор»концерт залига тўпландилар. Ижро этиладиган етмиш етти концерт номери ижрочилари орасидан Республикамиз вилоятларидан келган ижодкорлар билан куч синашадиган ягона ғолиб, шунингдек фахрли иккинчи, учинчи ўринларнинг эгалари, энг яхши ижрочилар кескин курашлар натижасида аниқланди.

Зални қўшиқ шайдолари лиқ тўлдирган «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзусидаги шаҳар қўшиқлар кўрик-танлови ҳайъати раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор, мусиқашунос Аҳмад Жабборов кўрикни очиб, қатнашчиларга омад тилади. Шундан сўнг танловни Олий қўшин билим юрти хори Назармат шеъри билан «Аскарлар қўшиғи» ни ижро этиб бошлаб берди. Саҳнага бирин-кетин «Пахтаой» вокал чолғу дастаси («Ўзбекистон», Алишер Икромов мусиқаси, Иброҳим Жиянов шеъри), Дилшод Жўраев («Ватан бу», Турсунбой Жўраев мусиқаси, Мухтор Худойқулов шеъри), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Исроилжон ва Исмоилжон Ваҳобовлар («Жон Ўзбекистон», Омон Матжон шеъри), 403-болалар боғчасининг иштирокчилари («Тинчлик бўлсин», М.Икромова мусиқаси, З.Сатторова шеъри), Республика 3-ўрта махсус санъат мактабининг хор жамоаси («Ўзбекистоним», Жасур Жавҳарназаров мусиқаси, С.Солиев шеъри), жаҳон тиллари университетининг бадиий жамоаси («Мустақиллик шамоли», Скорпеонез мусиқаси, 125-гуруҳ сўзи, инглиз тилида), Яккасарой туманидан Абдуваҳоб Одилов («Ўзбекистоним», катта ашула), Бектемир туманидан Фозил Саидов («Туркистон бир, Ватан бир» Ф. Саидов мусиқаси, Эркин Воҳидов шеъри), «Шодлик» ашула ва рақс дастасининг хонандаси Раҳима Носирова («Ўзбекистон сенга ёр», М.Мараҳимов мусиқаси, М.Қориев шеъри), Тошкент Автомобиль йўллари институти талабаси Саломат Иброҳимова («Туркистон — она Ватаним», С.Иброҳимова мусиқаси, И.Жиянов шеъри), Яккасарой туманидан Каромат Абдураҳмонова («Ўзбекистон — фахрим — камолим менинг», К.Абдураҳмонов мусиқаси, Е.Тўйчиев шеъри), Тошкент Давлат Педагогика Институти хор жамоаси («Истиқлол ҳақида қўшиқ», Қ.Маъмиров мусиқаси ва сўзи), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Файзулла Аҳмедов («Битта осмон остида», Илҳом Ҳамдамов мусиқаси, Охунжон Ҳакимов шеъри), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эсон Лутфуллаев («Ўзбекистон», Э.Лутфуллаев мусиқаси, Тўрахон Саид шеъри), Марказий Осиё халқлари мақомчилар кўрик танлови ғолиби Соибжон Ниёзов («Ҳаётим Ўзбекистондир», Э.Лутфуллаев мусиқаси, С.Эркинов шеъри), Ширин Қурбонова («Ўзбекистон», Ширин Қурбонова мусиқаси ва шеъри), Юнусобод тумани А.Қодирий номидаги маданият уйининг «Феруз» гуруҳи («Ўзбекистон», Муяссар Отажонова сўзи, М.Худойназаров мусиқаси), Мавлуда Халилова («Ўзбекистоним», Ж.Жабборов шеъри, С.Ҳайитбоев мусиқаси), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Шарипова («Мен фарзандингман», Р.Шарипова ва Э.Қаландаров мусиқаси, И.Жиянов шеъри), Шуҳрат Қаюмов («Ватан», Муҳаммад Юсуф шеъри, Ш.Қаюмов мусиқаси), Тошкент Давлат консерваториясининг хор жамоаси, ижодий жамоалар, яккахонлар бирин-кетин ўзларининг маҳоратларини намойиш этдилар.





Икки кун давомида 90 га яқин қўшиқ ижро этилди. Айтиш мумкинки (қўшиқлар матни албатта турли савияда ёзилганини кўзда тутиш керак) барча ижрочилар ўз асарларини кўтаринки руҳда ижро этдилар.

Кўрик -танлов ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Биз томошабинлар билан суҳбатлашганда бўнга амин бўлдик.

**Пўлат МЎМИН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:** Мени ушбу кўрик-танловда болалар қўшиқларига ҳам кенг ўрин берилгани жуда мамнун этди. Айниқса, «Пахтаой» вокал-чолғу дастаси, 20-болалар мусиқа мактаби талабаси Шерзод Имонбердиевлар ижро этган қўшиқлар барчага манзур бўлди, деб ўйлайман.

**Сайфи ЖАЛИЛ, Ўзбекистон халқ артисти:** Кўрик-танлов давомида халқимизда шунчалар истеъдодлар борлигидан ҳайратга тушиб ўтирдим. «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови мана шундай миқёсларни очиб берди. Ишонаманки санъатимизниниг шунча гуллари бор экан, бу гулзор яшнайверади.

**Ойдин СОЛИЕВА, Давлат мулк қўмитаси назоратчиси:** Кўрик- танлов шунчалар жўшқинлик билан ўтказилади деб ўйламаган эдим. Тўғри, янграган қўшиқларнинг барчасини бир хил юксак савияда деб бўлмайди. Буни баҳолаш эътиборли ҳайъат зиммасида. Лекин қатнашчиларнинг жон-диллари билан ижро этган асарлари шахсан мени хурсанд қилди. Кўрик-танлов жуда ҳам кўп истеъдодларни очиб берди. Менимча энг катта ютуқ ҳам шу бўлса керак. Уларни катта санъатда ўз ўринларини эгаллаб кетишларига ишонаман.

**Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:** Танловга катта ашула киритилиши, айниқса, рус, инглиз тилларида қўшиқларнинг янграши, танлов кўлами кенглигидан далолат беради. Мен бу нарсани кўриб қувониб ўтирдим. Қатнашчиларнинг барчаси миллий услуб, шарқона одоб, назокатни сақлашга интилишди. Бу эса анъанавий санъатимизнинг барҳаётлиги, бардавомлигидан нишонадир...

Қизғин баҳслардан кейин Шуҳрат Қаюмов ижросидаги «Ватан» қўшиғи (Муҳаммад Юсуф шеъри, Шуҳрат Қаюмов мусиқаси) биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Иккита иккинчи ўринларга Р. Глиэр номли мусиқа мактабининг хор жамоаси («Ўзбекистон» қўшиғи, Абдусаид Кўчимов шеъри, Аваз Мансуров мусиқаси) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги қошидаги намунали оркестрнинг хор жамоаси («Моя отчизна» қўшиғи, Раим Фарҳодий шеъри, Наталья Морункова мусиқаси ) сазовор бўлдилар. Учта учинчи ўрин ака-ука, Саидориповлар («Зарралари зар Ватан» қўшиғи, Жуманиёз Жабборов шеъри Дилором Омонуллаева мусиқаси), Ўзбекистон халқ артисти Насим Ҳошимов («Жаҳонда ягона Ўзбекистон» қўшиғи, Абдулла Орипов шеъри, Мустафо Бафоев мусиқаси), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мурoджон Соҳибов («Ўзбекистон—Ватаним маним» қўшиғи, Абдулла Орипов шеъри, Туйғун Отабоев мусиқаси) сазовор бўлишди. Кўпгина ижрочилар турли қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

«Ўзбекистон—Ватаним маним» мавзуида қўшиқлар кўрик-танловининг Тошкент шаҳри бўйича беллашуви якунланди. Танлов сабоқлари ижодий жамоаларда муҳокама этилади, хулосалар чиқарилади. Бу эса келгуси танловларда ўз мевасини беради, албатта. Энг муҳими озод Ватанимиз—Ўзбекистон чексиз қўшиқларга мавзу экан! Ҳали кўплаб янги дилтортар қўшиқлар яратилади, улар баланд пардаларда янграйди!

Биз эса кўрик-танлов қатнашчиси, ангренлик Фирдавс Нуриддиновнинг қўшиғидаги сатрлар билан сўнгги нуқтани қўймоқчимиз. У ўзи ёзган шеърга ўзи куй басталаб ижро этди.

**Кўнглимдаги кўзимсан, Ватан,**
**Кўнглимдаги гулимсан, Ватан.**

Бу гул мусиқалар билан, қўшиқлар билан ороланган. У асло сўлиш нималигини билмайди.

Темур УБАЙДУЛЛО.





*СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон—Ватаним маним» мавзуидаги қўшиқлар кўрик-танловининг Тошкент шаҳри бўйича ўтказилган якунловчи беллашувидан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

---

*Лутфихоним Саримсоқованинг 100 йиллигига*

# АЯ, СИЗ ҲАҚИНГИЗДА ЁЗМОҚЧИ ЭДИМ...

***Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон экранда, саҳнада жуда кўплаб образлар яратган. Бугун биз уларнинг атиги учтасини олдик. «Сен етим эмассан», «Маҳаллада дув-дув гап» ва «Фарзандлар» фильмлари. Ҳа, тўғри топдингиз. Сизга Ая ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.***



Афсуски, мен Аянинг суҳбатларини олмаганман. Лекин уларнинг самимий, меҳрли кўзлари, муниса, нурли чеҳраларидан бағри кенг, меҳрибон аёл бўлганликларини тасаввур қила оламан. Хаёлан суҳбатлашаман ҳам. Суҳбатимиз мавзуси санъат, кино, ўзбек киноактрисалари, аёлларимиз, истакларимиз ҳақида бўлади. Аяни кўрганимда ҳаётнинг фараҳбахш онлари билан бирга аччиқ-араз, армонли кунлари, меҳрга, бир оғиз ширин сўз, озгина эътиборга муштоқ одамлар борлиги, киши ўзида сабр, матонат, шукроналик неъматларини шакллантириши кераклиги ҳақида ўйлайман. Нега шундай дейсизми? Чунки Ая яратган сиймолар кўзларида ҳаётнинг шу жиҳатларини жамлаган фалсафасини унсиз сўзлайди. Муниса, мушфиқ меҳрибон Ая...

Фотима опанинг куюнчаклиги, бола учун жон олиб, жон бериши, кечагина бувим кўзларида ёш билан сўзлаб берган ўтган кунлари эмасми?! Фотима аянинг ўзи бувижоним эмасми? Болалари учун ўзини ўтга, чўққа ураётган, ҳаётнинг паст-баландини кўрган, аччиқ-чучугини тотган онани кўриб, беихтиёр: «Онажон, ўзингизни уринтириб қўйманг» деб юбораман... Назаримда у киши экранда йўқ. Менинг ёнимда «Куюнчаккина болагинам-а» деяётгандек бўладилар.

Етимлик тўнини кийган, кўнгли ярим норасидага «Сен етим эмассан» деб айта оладиган она прототипини назаримда Аядек қиёмига етказиб ўйнайдиган актриса бўлмаса керак. Мен актёрдаги фидойиликни, туғма қобилиятни Асад Исматов, Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурхон, Лутфихоним Саримсоқоваларда кўрдим. Бу актёрлар нафақат ўзлари қаҳрамонга уйғунлашиб кетадилар, балки томошабинни ҳам сеҳрлаб, бирга воқеалар жараёнига олиб кирадилар.

Режиссёр Шухрат Аббосовнинг «Маҳаллада дув-дув гап» фильмидаги Ая яратган қаҳрамонни эсласанг-а! Фарзандини бир кўз билан боққан соддагина аёлни бундан ортиқ яна қандай тасаввур қилиш мумкин? Сайёрахонни чақириб, ҳеч қандай алдовсиз, орзу-ҳавасларини гапираётган, ўғли кириб келганида бир оналик меҳри, бир аразу-кўз ёшли, хиёл қаттиқроқ сўзлари. «Вой, тиниб-тинчимаган одамлар-эй» дейишларию ҳайратли нигоҳлари Аянинг истеъдодидан далолат.

Аянинг ёрқин истеъдодини «Фарзандлар» фильмидаги телба аёл қиёфасида ҳам кўриш мумкин. Актриса билан суҳбатлашган киночиларнинг ҳикоя қилишича Ая суратга олиш маҳали режиссёрдан бир пиёла беришларини илтимос қилибди. Қўлларида пиёла, маънисиз кўзлар... унинг қаерларидадир мунг қотган, тўзиган соч, паришон бир қиёфада дам кулиб, дам йиғлаб, илтижо билан сув сўраяпти. «Сув беринг, бир пиёла сув!» Этларингиз жимирлаб кетиб, бўғзингизга аччиқ йиғи тиқилади. Ҳатто Аянинг бу қиёфага кирганида суратга олиш майдончаларидагилар, фильмнинг ижодий жамоаси, во дариғ ижрочилар... даҳшатга тушган эканлар.



Ая ҳар қандай сиймони тўла-тўкис яратиш қудратига эга эдилар. Дарвоқе, болалигимдаги бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Телевизорда бир театрдан парча беришди. Қопқора кийинган Ёсуман бир йигитга нималарнидир уқтиряпти. Кейин, кейин ҳозиргидек ёдимда, қўйнидан қип-қизил атиргул олиб, йигитга узатди. Йигит гулни ҳидлаб, беҳуш йиқилади. Ёвуз аёл ниятига етганидан даҳшатли оҳангда қаҳқаҳ отади. Ўша жодугар аёл шунчалар қўрқинчли эдики... Вақт ўтиб, бу кўриниш «Фарҳод ва Ширин» спектаклидан парча бўлиб, Ёсуман ролини эса Лутфихоним Саримсоқова ижро этганликларини билдим. Мен кино, театрга яқинлашиб боришим жараёнида бир нарсани англадим. Ўзбек аёлларидан чиққан илк киноактриса Ая эканлар. У киши театрда ҳам драматик, ҳам комик образлар яратганлар. Лекин кинода саҳнадагидек серқирра ижод қилдиларми?

Лутфихоним Ая умрларини санъатга бағишладилар. Саҳнада, экрандан туриб, қайғуларига куюнтириб, севинчларига шерик қила олишдек бахтга сазовор бўлдилар. Ая хонадонларимизга ҳали-ҳануз меҳрли, маъюс, маъноли боқувчи кўзлари билан муниса она тимсолида кириб келадилар.

Ая, Сиз ҳақингизда ёзмоқчи эдим. Лекин негадир ички бир ҳаяжондан, масъулиятдан сўзларим бир-бирига қовушмаяпти, гапни нимадан бошлаб, нима билан якунлашни, нима дейишни билмаяпман. Дарвоқе, мен бир нарсани англадим. У ҳам бўлса Сиз ҳақингизда ёзиш учун яна жуда кўп нарсаларни билишим керак экан...

Маҳлиё МИРСОАТОВА.

*СУРАТДА: Лутфихоним Саримсоқова «Қасам» фильмида Азимнинг онаси ролида.*

---

***Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида бўлиб ўтадиган янги спектаклларнинг илк томошалари мухлислар учун ҳақиқий байрам бўлади. Бу сафар ҳам театр шинавандалари ўзларининг севимли театрларидан мамнун бўлдилар. Фарид Багданов асари асосида Ҳайдар Муҳаммад таржимаси билан саҳнага олиб чиқилган «Тунги меҳмон» драмаси ўзида мужассам этилган инсоний туйғулар, муҳаббат ва одамийликни тараннум этиши билан ҳам барчанинг эътиборини тортди.***

# «ТУНГИ МЕҲМОН»

Асарни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ёдгор Саъдиев саҳнага олиб чиққан бўлиб, муаллиф фикрига содиқ қолган ҳолда қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, уларнинг бир-бирларига бўлган қалб туғёнларини томошабинга етказишга ҳаракат қилган ва бунинг уддасидан чиқа олган.

Асар қаҳрамонлари Мадина /Гулчеҳра Жамилова/, Маҳмуд/ Ёдгор Саъдиев/ тасодифан учрашиб қоладилар. Ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган, қандай йўл билан бўлса-да таъқибдан қочиш пайида бўлиб, дуч келган хонадонга кириб қолган Маҳмуд уй эгаси Мадинага шунчаки бир аёл сифатида қарайди, кейинчалик эса унинг хатти-ҳаракати, Маҳмудга бўлган муомаласи, инсоний тафаккури орқали ҳаётда бундай кишини учратмаганлигини англаб етади.

Маҳмуд қамалиб чиққан ва янги жиноятга қўл урган таъқибдаги шахс, Мадина эса университетда қонундан таълим берувчи ўқитувчи. Икковларининг ҳам ёшлари ўтиб қолган, лекин ҳаётда ўз ўринларини топа олишмаган. Аввалига қўрқиб, воқеа қандайдир нохушлик билан тугашини англаб етиб жонсарак бўлиб турган Мадина Маҳмудни севиб қолади. Унинг ҳаёт йўли, бошидан кечирган ўтмишини тинглар экан, унга меҳри ортади. Аввалига уни тутиб бериш пайида турган Мадина қандай қилиб бўлса-да қутқариб қолиш, айни дамда қопқон бўлиб турган уйидан бир иложини қилиб чиқариб юбориш йўлларини ахтаради. Маҳмуд ҳам аёлни кузатиши натижасида уни севиб қолади. Воқеалар эса ривожланиб боради. Уларнинг ўтмишлари, бироз бўлса-да воқеликни унутиб ўзга бир оламга кирадилар. Бир-бирларига бўлган дил торлари тобора яқинлашиб боради. Маҳмуд тасодиф туфайли ўртадаги столни синдириб қўйиши, уни тузатиши, бу хонадонда эркак йўқлигини англатиб турганлигини айтади. Мадина эса аввалига тан олмайди, кейинчалик эса ёлғизликнинг даҳшати ҳақида сўзлаб, атайин унга майл билдиради. Икки қалбнинг сокин бир лаҳзада бир-бирларига меҳр қўйишлари инсоний муносабатлар, уларнинг ички кечинмалари бир зум бўлса-да томошабинни бефарқ қолдирмайди. Ҳаётнинг мураккаб сўқмоқларидан ўтган Маҳмуд туҳмат қурбони бўлиб қамалиб кетган, сўнг эса хотини ва дўстининг хиёнати унинг ҳаётга қарашларини бутунлайин ўзгартириб юборган.

Ёдгор Саъдиев Маҳмуд образини катта маҳорат билан томошабинга етказиб бера олган, унинг изтиробларига қўшилиб ҳаяжонга тушасиз, ҳаёт ташвишлари билан бўлиб шу хонадондан омон чиқиб кетишини истаётганингизни ҳис қиласиз. Бу эса ижродаги ўта мукаммаллик, қаҳрамоннинг барча ҳолатларини катта истеъдод билан саҳнага олиб чиқилганлигининг далолатидир. Ўзбекистон халқ артисти Гулчеҳра Жамилова талқинидаги Мадина образи ҳам қарама-қаршиликларга бой, ранг-баранг тарзда саҳнага олиб чиқилган. Гўзал ва оқила аёл ёлғизликдан қийналади ва ўзига муносиб инсонни топганлигини англаб етади. Ҳаётини у билан боғлашга аҳд қилади. Сўнгги саҳналарда эса Мадина радиодан берилган нотўғри ахборотга ишонади. Ўзи қонун ҳимоячиси бўла туриб, инсоннинг умрига завол бўлган жиноятчи билан яқин бўлолмаслигини англаб етади. Маҳмуд ҳеч кимнинг жонига қасд қилмаганлигига ишонтиришга нечоғлиқ ҳаракат қилмасин Мадина ишонмайди, чиқиб таслим бўлишини талаб қилади. Муҳаббат бир зум бўлса-да нафратга айланади. Лекин қалби унга интилиб турганлигини сезса ҳам ўз эътиқодидан қайтолмайди.

Гулчеҳра Жамилова ўзи ижро этган Мадина образини юксак маҳорат билан саҳнада гавдалантира олган, унинг қиёфасидаги аёл гўзал ва оқила, ҳар бир ишни ўйлаб, мушоҳада билан қиладиган, ҳаётда кўп жафолар тортган, аёл боши билан рўзғор ташвишига ўралашиб қолган, муҳаббат ва вафога ташна бир қалбни томошабин кўз олдида гавдалантиради. Аёл, унинг нозик қалби билан ҳатто қўлида қурол билан кириб келган Маҳмуд ҳам инсоний қиёфасини Мадина орқали топади. Шундагина Маҳмуд ўзининг инсон эканлигини, у ҳам бошқаларга ўхшаб яшаш ҳуқуқига эга эканлигини ҳис этади. Мадинанинг муносабати, унинг Маҳмудга бўлган қарашлари, икки ўт орасида ёниши асар давомида маромига етиб ижро этилганлигининг шоҳиди бўласиз. Айниқса севган кишисининг жиноятчи бўлиб чиқиши, бўлганда ҳам кишиларга қасд этиб, қотиллик даражасига борганлигини англагач қаттиқ изтиробга тушади ва томошабинни ҳам ўзи билан бирга ўша кечинмалар оғушига етаклайди. Маҳмуд Мадинанинг бир сўзли эканлигини англаб етгач ўз жонига қасд қилади. Мадина эса эндигина топган кимсасини йўқотганидан алам билан фарёд чекади. Асар кишиларни ўйлашга, ҳаётга чуқурроқ қарашга даъват этади. Инсонга берилувчи инъом саналмиш умрни беҳуда ўтказмасликка ундайди.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

---

*Коинот сирлари*

# ИҚЛИМ, МАВСУМ ВА ФАСЛ

***Оламнинг мўъжизаларидан бири она замин қиёфаларининг ранг-баранглигидадир. Айниқса, Ер куррасининг турли минтақаларидаги табиатнинг хилма-хиллиги. Дарҳақиқат, бир жойда кун, иккинчисида тун. Ёки бирида тонг, унисида кеч. Замин минтақаларининг айримларида ёз, бошқаларида қиш. Баъзи жойларда баҳор бўлса, ўзга бир манзилда куз...***

Чунончи, йил давомида Зоирда битта, Эфиопияда иккита, Мисрда уч хил фасл кузатилади. Ҳиндистон билан Хитойнинг ҳудуд тузилишлари ниҳоятда хилма-хил. Шунинг учун ҳам агар бу юртларнинг турли бурчакларида йил давомида кузатиладиган мавсум фасллари аниқланса, улар Ҳиндистонда олтита, Хитойда йигирма тўрттагача фаслни кузатиш мумкин экан. Ўтмишда буларнинг барчасининг бир вақтда рўй беришига ёки умуман шундай бўлишига ишониш хом хаёл бўлиб туюлса, ҳозир бу оддий бир ҳақиқат. Илм-фан тараққиёти туфайли, жумладан космик кема, самолёт, теле-радиодек воситалар ёрдамида ёлғонга ўхшаган бу ҳақиқатга бир зумда ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Археологик маълумотлар ва йилномаларнинг гувоҳлик беришича, 4 минг йил аввал ернинг иқлими намроқ, 3 минг йил илгари эса қуруқ бўлган. Милоднинг бошида, яъни 2 минг йил олдин намроқ бўлган бўлса, милоднинг минггинчи йилларида қуруқ бўлган. Эндиликда яқинлашаётган 2 минг йил бошларида намроқ бўлган иқлим, аста навбатдаги қуруқ даврга кира бошлади. Тадқиқотлар иқлимнинг бундай ўзгаришлари 11, 35, 80, 90, 1 минг 800, 1 минг 900 йиллик даврийликларини қайд қилмоқда.

Замин иқлимининг ўзгаришида одамзотнинг ҳам ҳиссаси йўқ эмас. Ахир башарият тонгидан бошлаб ҳамон фаоллашиб бораётган инсон фаолияти оқибатида, Ер куррасида иқлимнинг маълум ўзгаришлари содир бўлиши кузатилмоқда. Масалан, ўрмонларнинг ялпи кесиб ташланиши, ботқоқликларнинг кенг миқёсида қуритилиши, дарёларда тўғонларнинг кўплаб бунёд этилиши, сув омборларининг вужудга келиши, заминдаги жараёнларнинг газ чиқиндиларининг ҳавога ёйилиши натижасида озон ўпқонларидаги хавотирли ўзгаришлар ва атмосферада «иссиқлик» самарасининг пайдо бўлиши эҳтимоли натижасида 2 мингинчи йилларга келиб ҳаво ҳароратининг ялпи 0,5 даражага ошиши эҳтимоли мавжуд. Оқибатда инсон ва табиат муносабатидаги меъёрнинг бундай бузилиши барча ҳудуд иқлимига таъсир этади.

Иқлим, фасл ва мавсум арабий сўзлар бўлиб, фасл—йилнинг бир қисми, мавсум— йил фаслларида амалга ошириладиган ишлар даври, иқлим— маълум жойнинг ўзига хос бўлган мавсумий фасл об-ҳаво шароитини билдиради. Юнон тилида иқлим сўзи «климатос» деб аталади ва оғиш, яъни Ер сатҳининг Қуёш нурларига нисбатан оғмалигини англатади. Ҳақиқатда, Ер куррасидаги иқлим, мавсум, фаслларнинг хилма-хиллиги Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши, бу ўқнинг Ер экваторига оғмалиги ҳамда курраи заминнинг Қуёш атрофидаги йиллик ҳаракати оқибатидир. Чунки Қуёш нурининг Ер сатҳига қандай қиялик, узоқлик ва қандай муддат давомида тушиши иқлимнинг қандай бўлишини аниқлайди. Жумладан, айнан шу сабаблар таъсирида курраи заминда асосан еттита иқлимий минтақалар мавжуд: экваториал, субэкваториал, тропик, субтропик, мўътадил, субарктик ва субантарктик, арктик ва антарктик иқлим минтақалари.

Ер ўқининг Ер орбитасига оғмалиги 66 о 33/. Шу сабабли курраи замин шимол тарафи билан Қуёшга қараса—шимолда ёз, аксинча, жануб тарафи билан Қуёшга қараса — жанубда ёз. Ер сайёрасининг шимолида ёз даври бўлганда, Ернинг Қуёшдан узоқлиги 152 миллион километр. Бу ҳодиса «Афелий» дейилади ва у 5 июлда содир бўлади. Айни даврда ернинг шимолий тарафига Қуёш нурлари узоқ вақт давомида тик ва кўпроқ тушади. Натижада, бу жойларда иссиқ бўлади. Қишнинг ўртаси—3 январда «Перигелий» ҳодисаси рўй беради ва бу пайтда Ер Қуёшдан 147 миллион километр узоқликда бўлади. Бу даврда замин Қуёшга жануб тарафи билан қарайди. Шу сабабдан ҳам Ер куррасининг жануб томони иссиқ, шимолий тарафи энди нисбатан совуқроқ бўлади. Агар 21—22 июлда Қуёш уфқдан энг баландга кўтарилиб ёзги турғунлик ҳолати рўй берганда йилнинг энг узун куни ва қисқа туни содир бўлса, 21—22 декабрда эса қишки Қуёш турғунлиги пайтида, яъни Қуёш уфққа нисбатан энг паст бўлганда йилнинг энг қисқа куни ва узун туни рўй беради. Йилнинг 20—21 март ва 22—23 сентябрида кун билан тун бир дақиқага тенглашади. Шунда, бу воқеа кузда бўлса, ёз тугаб куз бошланади ва олдинда қиш бўлади. Кун билан тун тенглиги баҳорга тўғри келса, бу даврда қиш тугаб баҳор бошланади ва олдинда жазирама ёз бўлади. Булар астрономик муддатлар бўлиб, йил тақвимлари шулар асосида тузилади.

Тарих давомида кўплаб хилма-хил тақвимлар бўлган. Уларда йил боши турли мавсумий фаслларда бошланган. Жумладан, Марказий Осиёда минг йиллар давомида тақвим ҳисоби баҳорда кун билан тун тенг бўлган 20—21 мартда бошланган ва бу ҳисоб боши бўлмиш кун йилнинг янги куни — Наврўз деб аталган. Жумладан, бу йил Наврўз фалакиёт қонунига кўра 20 март 14 соату 3 дақиқаю 16 сонияда ўз янги йил ҳисобини бошлади. Бунинг моҳиятларидан бири шундаки, айни шу вақтда инсон ҳам, табиат ҳам қишки ҳордиқни якунлаб, яхши ниятлар билан бўлғуси ишларни жадал бошлайди. Фасллар чархпалаги яна ўз чархини ура бошлайди. Гўё Наврўзнинг хатти-ҳаракатларига олисда умид билан Меҳржон қараб тургандай.

Саидбаҳром АЗИЗОВ,
фалакшунос.

*Жаҳон тиббиётидан*

## САБЗАВОТ ТАНЛАШДА АДАШМАНГ

Норвегиялик олим Олиф Линдстрем сабзавотларнинг инсон руҳиятига таъсирини ўрганмоқда. Агар олимнинг гапига ишонадиган бўлсак салат мусиқага бўлган майлни ўстиради, пиёз эса мантиқий мушоҳадани, сабзи ва исмалоқ дилгир кайфиятни пайдо қилади. Картошка тинчлантириш хусусиятига эга. Шуларни ҳисобга олганда сабзавот танлашга эътиборлироқ бўлишга тўғри келади.

Агар олмани хуш кўрсангиз,демак сиз тиришқоқ, аммо эски урф-одатга мойилроқ одамсиз. Зеро америкалик Ивлин Кан ана шундай фикрга келган. Бундан ташқари меваларга ишқибоз одам одатда чиройли буюмларга ўч бўлади, дея ҳисоблайди у.

## ЛАЗЕР ШАМОЛЛАШГА ҚАРШИ

Эллик ёшдан ошган эркаклар орасида кўп учрайдиган касаллик — простата безининг шамоллашини даволаш учун бор-йўғи бир кун зарур бўлди, холос. Мюнхенлик машҳур уролог Хартвич Бауэр янги услублар бўйича ўз амалиётида даволашни олиб бормоқда.

Даволаш услубида телекоммуникация ва лазерли техниканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланмоқда. Простата безининг шамоллаши билан азият чекаётган одам танасидан суюқликни бир меъёрда чиқара олмаётган беморнинг пешоб йўли каналига лазер қурилмали ва ихчам камерали ингичка катетер киргизилади. Уролог монитор экрани орқали шишнинг ҳажмини аниқлайди ва нишонга олиб «лазер ҳужуми»га ўтади. Ана шундан сўнг «лазерли тўпдан» ўқ отилади ва шамоллаган жойга етказилади. Бу нарса токи простата бези ўзининг оддий ҳажмига келмагунича давом эттирилаверади.

Мижоз кечқуруннинг ўзида Мюнхен клиникасини тарк этиши мумкин. Авваллари жарроҳлик йўли билан бундай операцияларни ўтказиш учун бемор касалхонада камида 10 кун ётиши лозим бўларди. Шифохона молия бўлимлари ҳозирнинг ўзидаёқ қимматли лазер қурилмадан фойдаланишга катта миқдорда пул ўтказмоқдалар. Немис уролог-мутахассислари простатитни табиий воситалар ёрдамида даволаш кам самара беришини таъкидлашмоқда. Улар касалликнинг илк даврида бироз ёрдам бериши мумкин. Қичитқи ўт, қовоқ уруғи ва бошқалар шулар жумласидандир. Кимёвий дори-дармонларга келсак, улар кўпинча салбий таъсирлар кўрсатиши, жумладан эрлик қувватини қирқиши мумкин.

## НИКОТИНИ КАМ ДЕМАНГ

Бевақт ўлимга олиб келувчи сабаблар ичида Америка Қўшма Штатлари бўйича ўпка раки биринчи ўринга чиқди. Мамлакатнинг рак хасталигига қарши кураш жамиятининг ходими Майкл Тан олиб борган тадқиқотлар натижаларига кўра ўрта ёшдаги кашанда аёлларда ўпка ракига чалиниш ҳоллари олти баробар ошганлиги маълум бўлди.

Агар 60-йилларда ҳар минг аёлнинг 23 таси ана шу хасталикка йўлиқиб ҳаётдан кўз юмган бўлса, ҳозирда ана шу миқдор 155 тага етган. Бу кўрсаткич худди шу даврда эркаклардагига нисбатан анча юқори, зеро ўпка ракидан вафот этиш ҳоллари эркакларда икки баробар ошган холос. Тўғри, умумий ҳисобда эркаклар олдинлаб кетишган (341 бемордан 187 нафари ўлган), лекин бу ҳолат ожизалар учун ожизгина тасалли бўлиши мумкин.

Аёллар томонидан ардоқланадиган, никотин миқдори кам бўлган сигареталарга ҳам ишониб бўлмайди. Майкл Тан эътироф этишича, унинг тадқиқотлари айнан ана шундай сигареталарни хуш кўрувчи аёллар устида олиб борилган.

Мурод РАҲИМОВ тайёрлаган.

*Рўзғорда асқотади*

## АМЕРИКАЛИКЛАРНИНГ ОШХОНАСИ ҚАНДАЙ?

***Бизнинг овқатланишимиз ва овқат тайёрлашимиз билан американикларнинг орасида катта фарқ бор. Биз овқатга ёғни кўп ишлатамиз, хамир овқатларни кўпроқ хуш кўрамиз. Кўпчилик американиклар эса кундалик овқатнинг фақат калориясини эмас, балки сотиб оладиган маҳсулотлари таркибидаги ёғ ва холестерин миқдорига ҳам катта аҳамият берадилар.***

Американикларнинг кундалик рационида ёғсиз сут, янги узилган озгина ҳўл мева, калорияси кам печенье, озгина жем, узум, таркибида ёғ ва холестерин бўлмаган сабзавотлар салати, шунингдек балиқ ёки товуқ бутерброди, макарон, помидор қайласи билан, озгина ёғсиз гўшт кабилардан иборат бўлади.

Юқоридагиларни ўқиб, американиклар доим парҳезда юрар эканлар, деб ўйлашингиз мумкин. Аммо бундай овқатланиш ажойиб натижа берар экан. Американикларнинг ўртача умри дунёдаги энг юқори ўринлардан бирини эгаллайди. 50 ёш Америкада қарилик эмас, балки умрнинг ўртаси, фаол ҳаёт даври ҳисобланади.

Америкада юрак-томир касалликларидан ўлиш кўрсаткичлари ҳар йили камайиб боради. (Томирлар деворида холестериннинг тўпланиб қолиши ўлимга олиб келадиган кўпгина касалликларга сабаб бўлади.)

Американиклар ошхонани тоза тутишга катта аҳамият беришади. Ошхонанинг топ-тозалиги сизнинг соғлиғингизга хавф солмаслигига кафил бўлолмайди, дейдилар америкалик олимлар. Озиқ-овқат бактериялари асосий хавф солувчилардир.

Овқатдан заҳарланган тана ҳар доим бунга кучли реакция кўрсатавермайди (қайт қилиш, қорин оғриғи ёки ҳушдан кетиш ҳоллари юз бермаслиги мумкин). Баъзан сиз нега бошингиз оғриётгани сабабини билмайсиз, ўзингизни беҳол сезасиз, уйқу босади, фикрингизни бир жойга тўплай олмайсиз. Бунга кечқурун пиширган овқатингиз эрталабгача ошхонада қолиб кетгани, уни тановул қилганингиз сабаб бўлганини эслаб ҳам кўрмайсиз.

Америкалик парҳезшунослар фикрига кўра, ҳеч қандай таомни, ҳатто сабзавотли ёки хамир овқатларни ҳам дастурхонда бир ярим соатдан ортиқ қолдириш мумкин эмас. Иссиқ овқатни фақат совигунича совуткичдан ташқарида сақлаб туриш мумкин. Гап шундаки, хона ҳарорати маҳсулотларга тушиб улгурган касаллик қўзғатувчи бактерияларнинг тез кўпайиб кетишига имкон беради.

Қуйида американиклар бу борада риоя қиладиган бир неча қоидаларни келтирамиз:

Агар сиз гўштли консерва банкасини ёки консерваланган мева банкасини очсангиз, ичидагини қопқоғи маҳкам ёпиладиган шиша ёхуд пластмасса идишга солиб, уни совутгичга қўйинг.

Картошка, сабзи, лавлагига тупроқдан бактериялар ўтган бўлади. Бу сабзавотларни арчишдан олдин яхшилаб чайинг.

Ошхонада камида 4 та тахтакач бўлиши керак: гўшт учун алоҳида, балиқ учун алоҳида, сабзавотларни тўғраш учун ва тайёр маҳсулотлар учун. Бу тахтакачлар бирор пластикадан тайёрланган бўлса яна яхши, чунки уларни ювиш осон ва осон дезинфекция қилинади. Ошхонада ҳамма юмушларни бажариб бўлгач, американиклар хом гўшт теккан стол ва бошқа нарсаларни дезинфекцияловчи ҳамда ювувчи воситалар билан тозалашади.

Сальмонеллёз касаллиги юқиб қолмаслиги учун америкалик шифокорлар тухумни чақишдан олдин чайишни тавсия этадилар.

Ошхона сочиғи, қозон сочиқ ва фартукни ҳар куни ювиш керак. Бир марта ишлатиладиган қоғоз сочиқлар жуда қулай. Бу тадбирлар бир қарашда қийинга ўхшайди, бироқ бу гигиена қоидаларини тез одат қилиш мумкин. Ким билади, балки бу қоидалар сизни дори сотиб олиш ва докторга кўриниш учун кетадиган ортиқча харажатлардан қутқариб, ўзингизни яхши ҳис қилишингизга ёрдам берар.

Маърифат ОРИФЖОНОВА.

*Турфа олам*

## БОРЛИҚ ҚЎШИҚҚА ТЎЛСА

***Фасллар келинчаги баҳорнинг ўлкамизга ташриф буюриши бу йил жуда ўзгача кечди. У ҳадеганда келавермай, гоҳ қишнинг изғиринли кунини ёдга солар, гоҳида ўзининг ажиб таровати-ла қалбларга илиқлик бахш этарди. Ҳеч сезганмисиз, бундай пайтда атроф турли антиқа оҳангларга тўлиб кетади. Бу қандай оҳанг экан?***

Қурбақалар, чигирткалару чирилдоқлар ким ўзарга чириллашади. Чирилдоқ бу борада анча тажрибали чоғи, рақибларини ортда қолдиради. Ямяшил қурбақалар-чи, мен сендан қоламанми, дегандай ҳатто ёмғир шаррос қуйиб турганда ҳам қўшиқ айтаверишади. Айтгандек, машшоқ чигирткалар эрта билан ўт-ўлан устида, кечки томон бута ва дарахтлар устида хонишни авж олдиришади. Ҳашаротлар ҳам эрка чиқиб қолишди-ку. Совуқ тушиши билан ялло-таралло таққа тўхтайди қолади.

Хушовоз қушлар ҳам кўклам нафаси сезилиши биланоқ олис сафарлардан қайтишади. Улар қуруқ қайтишмайди, албатта. Тажриба орттириб катта «мусиқий дастурни» бизга туҳфа этишади. Улар-ку қушлар, айниқса жониворлар «концерт»ларининг ранг-баранглигию томоша вақтининг аниқлигига нима дейсиз?!

Мана, макони совуқ шимол бўлган буғулар. Қўшиқчилик «фаолияти»ни изғирин, баъзан қоронғу тунда ёғингарчиликдан олдин ё кейин бошлашади. Биолог олимларнинг кузатишича, айрим жонзотлар маълум тартибда роппа-роса соат тўққизда куйлашни тўхтатадилар.

Хуллас, айтаман десак, табиат саҳнасида бир қарашда барчамиз учун жуда оддий, аслида эса ажойибу ғаройиб дасталар адоқсиз. Уларни тинглаб баҳри-дилингиз очилади, борлиққа меҳрингиз уйғонади!

Наргиза УЛУҒОВА.



*Истироҳат масканида.*

*Рустам Шарипов олган сурат-лавҳа.*

***Ҳозирги кунда жиноятчиликнинг олдини олиш, юз берган жиноятларни иссиғида очиш юзасидан республикамизда кўпгина амалий ишлар қилинмоқда. Албатта, бу жараёнда криминалистик техникадан унумли фойдаланишнинг аҳамияти каттадир. Зеро, жиноятчи қолдирган ҳар бир из, буюм парчаси ўз вақтида ва зарур техникалар ёрдамида муфассал текширилиши содир этилган жиноятнинг ўз вақтида очилишини таъминлайдиган муҳим омилдир.***

*Тажрибалар — ҳаётга*

## ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

Чилонзор, Сергели, Шайхонтоҳур туманлари прокуратураларида ҳам жиноят ишлари кўрилаётганида криминалистика техникаси ва фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланилмоқда. Терговчи ва тажрибасини оширувчилар иш малакасини ошириш, касбий билимларини мустаҳкамлаш учун шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилаётган ўқув-услубий семинарлар, шунингдек туманлардаги семинар ва машғулотларда фаол иштирок этмоқдалар.

Ушбу туманларда шаҳар прокуратураси томонидан тайёрланган «Терговчининг қисқача маълумотномаси», «Қотиллик ҳолларида ҳодиса жойини кўздан кечириш учун эслатма», «Ҳодиса жойларида берилган гувоҳликларни текшириш» каби услубий тавсияномалардан кенг фойдаланилиши тергов ишларининг тез ва сифатли амалга ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Жиноий ишларни тергов қилишда жойларда суд-оператив суратлари, аудио ва видеоёзувлардан кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, Акмал Икромов туман криминалистика лабораториясида иш намунали йўлга қўйилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Лаборатория барча зарур криминалистика техникаси, хусусан янги русумдаги «Зенит-122» фотоаппарати билан жиҳозланган. Мазкур прокуратура терговчилари тергов жараёнида илмий-техника воситалари, жумладан, суд-оператив суратлари, аудио-видеоёзувлар ҳамда бошқа воситалардан кенг ва ўринли фойдаланмоқдалар. Ва бу иш самарасини оширишга катта ёрдам бермоқда.

Чунончи, криминалистика техникасидан унумли фойдаланиш мурдаси топилмаган жуда мураккаб қотиллик жиноятларини очишда қўл келди. В. Шеголевни ўлдириб, сўнг уни сувга чўктириб юборган А. К., А. С. ва Д. Е.лар рад қилиб бўлмайдиган ашёвий далиллар ёрдамида ўз қабиҳ жиноятларини бўйниларига олдилар. Худди шундай, жиноятчилар фуқаро Н. Баշировни ҳам аввал тоза азоблаб ўлдириб, сўнг унинг мурдасини оғир нарсалар ёрдамида сувга чўктириб юборганлар. Бу жиноятни очишда ҳам замонавий фан-техника воситалари ёрдамида қўлга киритилган далиллар олдида Т. З., К. Т. ва Н. Башировнинг турмуш ўртоғи С. Ю. каби жиноятчиларнинг айблари тўла исботланиб, улар ўз қилмишларига яраша одил жазога тортилдилар.

Шунингдек, дом-дараксиз йўқолган Н. Рашидовга нисбатан қилинган жиноят ҳам ўз муваффақиятли якунини топди. Қотилликни амалга оширган тадбиркор Р. А. ва унинг қариндоши Э. К.лар фош этилди. Терговчи Ф. Қаюмов томонидан далилларни ҳодиса жойида видеоёзув ва суд-оператив суратлари томонидан текшириш натижасида қамишлар орасига яширилган Н. Рашидовнинг жасади топилди. Жиноятчилар ҳибсга олиниб, жиноий жавобгарликка тортилди.

Юқоридаги жиноий ишларни тергов қилиш ва очилишидаги ижобий тажрибалар пойтахтдаги бошқа туман прокуратураси ходимларига тарқатилди.

*Тошкент шаҳар прокуратурасининг матбуот маркази.*

***Кулги жаҳондаги ҳамма халқлар учун эзгу неъматлардан саналади. Чиндан ҳам ҳар бир халқнинг ўз ҳангомаси, ичакузди латифалари, аскиялари бор. Бизда Насриддин Афанди қанчалар машҳур бўлса, қорақалпоқларда Умурбек Лаққи, қозоқларда Алдаркўса шунчалар машҳур. Ишонамизки, бошқа халқларнинг ҳам ўз севган қаҳрамонлари бор.***

***Қозоқ халқи азалдан кулгуга, мутойибага ўч. Бугун сиз ўқийдиган латифанамо ҳангомаларни таниқли қозоқ адиблари қоғозга туширган. Улар сизга табассум бахш этолса, ниҳоятда мамнун бўламиз.***

## ҚАРДОШЛАРИМИЗ ТАБАССУМИ

*Хўжаахмет ДЕМЕУБЕРГЕНОВ.*

### ХАТ

— Отажоним-ов, сиз сира уйга хат ёзганмисиз?

— Ў, келинжон, бояги қирғин уруш йилларида овулда қолган хотинимга талай хатлар ёзганман, омон-соғлигимни билдирганман... Энди кимга ҳам хат ёзай, кўз қурғур кетиб қолган, яхши кўрмайди, қўлнинг титраб туриши мана... Керак одамнинг ўзи ёзаверар-да.

— Отажон, тўғрисини айтсам, мен сизнинг ёзган хатларингизни шундай ўқигим келаяпти-ки!...

— Айланайин-ов, келинжон, бир уйда бирга ўтириб, сенга хат ёзсам — бу жуда қизиқ гап-ку...

— Бунинг йўлини топамиз! Бундай қилсакчи: сизни қариялар уйига жойлаштирамиз, сиз шу ёқдан уйга хат ёзиб турасиз. Биз эса ўғлингиз билан хатларингизни мазза қилиб ўқийверамиз!..

### ЎЗИНИ ТАЪМИНЛАШ

— Сени беш боласини чирқиратиб, хотини билан ажрашибди, деб эшитдим...

— Эй, менга қара, замонавий тилда гапиришни қачон ўрганасан ўзи? Мен мустақил бўлдим, иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи тўла таъминлайдиган одамга айландим, холос!

### ТАНИШУВ

— Ассалому алайкум, Мекембой оға!

— Ваалайкум...

— Танимаган одамга ўхшайсиз-а, Мекембой оға. Мен сизни дарров танидим...

— Мен ҳам сени дарров танидим.

— Совуққина сўрашаётганингиз учун...

— Ўтган сафар ўзинг мени танимаганга олиб, совуққина сўрашган эдинг-ку!

— Қўйсангиз-чи, қачон?

— Директорликдан тушмасингдан бурун!

### ЁПИРАЙ

— Бола-чақанг омонми?

— Омонликка омон-куя, бироқ хотиним ажрашаман деб юрибди...

— Ие, нега?

— Хуррак тортар эканман!

— Ёпирим! Шуни ўн беш йилдан кейин билибдими?

*Какимбек САЛИКОВ.*

### РОЗА БАҒЛАНОВАНИНГ ЖАВОБИ

1968 йилда Шарқий Қозоғистоннинг Самар тумани маданият уйида Қозоғистон халқ артисти Роза Бағлановaнинг концерти бўлиб ўтди. Залга лиқ тўлган халқ уч соатлаб қўшиқ тингласа ҳам, сира тўймай эшитади. Концерт тугаганидан кейин ҳам томошабинлар кетмай, ноёб овоз эгасини қарсак билан олқишлаб туради. Шунда биров қичқириб:

— Қароқларим-ов, шундай илоҳий овозли қиз қозоқда туғилгани учун раҳмат айтинглар! — дейди.

Бу қичқирган одам паҳлавон келбатли Қалелғази Шалдирбоев экан. Унинг Алпомишдай гавдали одам эканини кўрган Роза Бағланова ҳам шу заҳоти:

— Қозоқнинг сиздай йигитлари бор экан, биздай қизлар нима учун туғилмас экан! — деб жавоб беради.

### «АЙТАВЕРСИН, ЁМОНЛАЁТГАНИ ЙЎҚ-КУ...»

Қозоғистон Фанлар академиясининг Президенти, улкан олим Қаниш Сатбоев Олий Кенгаш депутатлигига номзод бўлиб, сайловчилар олдига таништириш учун келган экан. Шундай учрашувларнинг бири вилоят ёзувчилар бўлимининг мажлислар залида бўлиб ўтибди. Йиғилишда сўзга чиққан сайловчиларнинг бири Қаниш оғани мақташга киришибди, олимнинг ёзувчи эмаслигидан бехабарми, ишқилиб:

— Бизлар Қаниш Сатбоевни жуда яхши биламиз. У ўзининг ажойиб роман ва қиссаларида меҳнаткашлар образини, оддий халқ вакилларини жуда севиб тасвирлаган, унинг асарлари халқимиз ичида жуда машҳур! — деб сўз бошлаб қолибди.

Ҳайъатда, Қаниш оғанинг ёнида ўтирган таниқли бир адиб:

— Қаниш, узр энди, уят бўлди-ку, бу одам сизнинг олим эканлигингизни билмас экан, ёзувчи деб ўйлаганми.. — деб шивирлабди.

— Ҳеч қиси йўқ, гапираверсин, — дебди олим кулиб. — Мақтаётирми, гапираверсин! Ёмонлаётгани йўқ-ку...

### «ЮТИБ ЮРГАН ЙИҚИЛМАС»

Бир арақхўр одам «Энди ичишни ташладим» деб қасам ичиб, ўн-ўн беш кундан кейин яна ичишни бошлаб юбораверар экан. Шу одам бир куни таниқли ҳажвчи Сейит Кенжаахметовнинг ёнига келиб:

— Шу арақни энди қайтиб ичмайман... — деб гап бошлаган экан, ҳажвчи унга:

— Йўқ, ташлама! — дебди.

— Нега?

— Бунинг сабаби шуки, манов айтилаётган мақолларнинг ҳаммаси сенга ўхшаганларга тегишли. Мана эшит: «Кўп билан ичган маст бўлмас, ёлғиз ичган ош бўлмас», «Ёмон йигит йўлдошини йўлда қолдирар», «Яхши арақ қолгунча ёмон қориннинг ёрилгани яхши», «Араққа тўйган Тўрғай сувини тўпиғича кўрмайди, Сир сувининг совуғини билмайди», «Арақ ичмаган эркакдан без, шароб ичмаган сулувдан без», «Ютиб юрган йиқилмас», «Юрган оёққа юз грамм илинади», «Тўйда тўймаган ўлганда тўймас», «Ёмондан ёрти стакан арақ қолади», «Арақ оғизни йиртмас», «Ичимликнинг зўри коньякдир, ичмаганларга уятдир», — деб санай бошлаган экан, ҳалиги арақхўр:

— Тўхта оғажон, энди ростдан ҳам ташладим! — деб қочиб кетибди.

Музаффар АҲМАД таржималари.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбек давлат цирки»
республика бирлашмаси



ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Ўзбеклардан биринчи ҳайвон ўргатувчи - ФУРҚАТ ЮНУСОВнинг

«ЙЎЛБАРСЛАР» аттракциони

ДАСТУРДА: ўргатилган туялар, айиқлар, кучукчалар, бўғма илонлар ва бошқа жониворларнинг чиқишлари.

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ
КАТТА ВА РАНГ-БАРАНГ ТОМОШАЛАР

*ТОМОШАЛАР: 3, 10 май кунлари соат 18.00да,*
*4, 5, 9, 11, 12 май соат 12.00 да ва 15.00 да бошланади.*
*МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 44-29-04, 44-35-91.*
*Касса соат 10 дан 18.00 гача ишлайди.*
*Чипталар пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга сотилади.*

«АВТОТЕХХИЗМАТ»
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
қуйидаги шартлар асосида
ишчилар ва бошқарма ходимларидан ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА
ўқиб-ўрганиш учун
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ИШЧИЛАР — ҳарбий хизматни ўтаган, авточилангарликни биладиган, инглиз ёки корейс тилини ўзлаштирган, ўрта маълумотли, жисмоний соғлом, 25 ёшгача бўлиши шарт;

БОШҚАРМА ХОДИМЛАРИ — ўрта техник ёки олий техника маълумоти бўлган, инглиз ёки корейс тилини билгани яхши, компьютер техникасидан хабардор жисмоний соғлом, 35 ёшгача бўлиши керак.

*Мурожаат учун манзил: 700167, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 118-уй, ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача (шанба ва якшанбадан ташқари).*

ШАХСИЙ ХОНАДОНЛАРДА ЯШАЙДИГАН ВА ЁНИШ МАҲСУЛОТЛАРИ ДУДБУРОНЛАР ОРҚАЛИ ЧИҚИБ КЕТАДИГАН АСБОБЛАРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ

1995-1996 йиллар иситиш мавсумига тайёргарлик кўриб, печкачи мўри тозаловчилар томонидан газ асбобларидаги шабадалатиш каналлари ва мўрконларни оммавий равишда туманлар бўйича текширувдан ўтказиш режалаштирилганлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИ — Миробод, Шайхонтоҳур, Мирзо Улуғбек, Чилонзор туманларида;

«ЯНГИОБОД» КИЧИК КОРХОНАСИ — Ҳамза, Собир Раҳимов, Яккасарой, Бектемир туманларида;

«ОЛИМЖОН» ЖАМОА КОРХОНАСИ — Акмал Икромов, Юнусобод, Сирғали туманларида.

Мўрконларни текшириш, эҳтиёт чораларини кўриш ва таъмирлаш масалалари бўйича ўзингиз яшаб турган жойдаги ТУМАН ГАЗ ИДОРАЛАРИГА ҳамда ТОШКЕНТ ШАҲАР КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИГА (Темур Малик кўчаси, 114-уй), «ЯНГИОБОД» КИЧИК КОРХОНАСИГА (Алиев кўчаси, 72-уй), «ОЛИМЖОН» ЖАМОА КОРХОНАСИГА (Лангар кўчаси, 161-уй) мурожаат қилинсин.

Мўрконларни шабадалатиш каналларини текшириш, эҳтиёт чораларини кўриш, таъмирлаш билан шуғулланадиган ходимлар ўзлари билан шахсий гувоҳномаларини олиб юришлари шарт. Муддати ўтиб кетган гувоҳномалар бекор қилинган ҳисобланади.

МЎРКОНЛАРНИНГ ИШГА ЯРОҚЛИЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ АКТЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ТУМАН ГАЗ ИДОРАЛАРИГА ТОПШИРИЛМАСА ГАЗ АСБОБЛАРИ ТУМАН ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ОГОҲЛАНТИРИШСИЗ УЗИБ ҚЎЙИЛАДИ.

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ЭЛЕКТР АЛОҚА МАРКАЗИ
шуни маълум қиладики

НАВОИЙ КЎЧАСИ, 28-УЙ МАРКАЗИЙ ТЕЛЕГРАФ БИНОСИДА ЖОЙЛАШГАН УМУМИЙ ТАСАРРУФДАГИ СЎЗЛАШУВ ПУНКТИНИНГ ИШЛАШ ВАҚТИ
СОАТ 8.00 ДАН СОАТ 22.00 ГАЧА УЗАЙТИРИЛДИ.

Шу ердан Сиз телефон орқали дунёнинг исталган нуқтаси билан сўзлашиш ва факсимиль хабарларни узатиш ёки қабул қилиш имкониятига эга бўласиз.

ТХЭМ маъмурияти.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

*Муассис:*
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

*Манзилимиз:*
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар:
33-81-42, 36-57-27.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690*

*Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0247. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ Босишга топширилди: 11.30. 6.761 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.